*Нишондорларимиз*

# ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРИ



***Унинг хонаси ҳамиша гавжум. Телефон қўнғироқлари бир зум тинмайди. Ҳали у бошқармадан, ҳали бунисидан қўнғироқ қилишади, маслаҳат, ёрдам сўрашади.***

***— Ишимиз шунақа, — дейди у бизни куттириб қўйганидан ҳижолатомуз. — Ҳозир сизлар билан суҳбатлашамиз.***

***Эндигина бошлаган мавзуимиз яна узилади. Бу гал бош муҳандисни раис ҳузурига чақиради. Хуллас тиғиз иш орасида суҳбатимизни давом эттиришга тўғри келди.***

***Муҳиддин Баратовнинг кўп йиллик самарали хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг номи ҳам шу йилнинг январь ойи ўрталарида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидаги давлат аҳамиятига эга бўлган бир қанча муҳим иншоотларни қуриш ва таъмирлашдаги хизматлари, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган республикадаги бир қанча корхона ва қурилиш ташкилотларининг алоҳида хизмат кўрсатган бир гуруҳ ишчи ва хизматчилари орасида бор. Бизни унинг ҳузурига етаклаган ҳам мана шу хушхабар эди.***

— Камтарона меҳнатим шу қадар юксак тақдирланиб «Меҳнат Шуҳрати» орденига сазовор бўлганимдан бениҳоя хурсандман, — дейди Муҳиддин Ҳайдарович. — Албатта бу мукофот биргина менга эмас, балки 2200 кишилик жамоамизнинг ҳалол меҳнати эвазига берилган баҳо деб ўйлайман.

**— Ўша қувончли дамда хаёлингиздан нималар кечди?**

— Очиғи бутун ҳаёт йўлим лаҳзада кўз ўнгимдан бирма бир ўтди. Ҳалол меҳнат қилган киши албатта қадр топишига ишонч ҳосил қилдим. Шу билан бирга бу юксак мукофот зиммамга янада катта масъулият юклашини ҳис этдим.

— Бахтиёр онларда дўстларинг, ёру биродарларинг сен билан бирга бўлишга, қувончингни баҳам кўришга шошилишади, самимий табриклашади. Оилада эса ўзига хос тантана ҳукм суради...

— Нимасини айтасиз. Ўша куни эрталаб барвақт ишга келдим. Раисимиз ҳузурида Форобий кўчасидаги 10-уйни тезроқ фойдаланишга топшириш хусусида суҳбатлашиб ўтирардик. Бирдан телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Мадиёр Ҳасанович гўшакни кўтардилар. Унга қулоқ сола туриб менга қараб жилмайдилар, кейин гўшакни қўлимга тутдилар.

Телефондан корпорациямиз раисининг қувноқ овози эшитилди. У кишидан хушхабарни эшитиб бир зум гангиб қолдим. Кейин миннатдорчилик билдирдим. Хушхабарнинг қаноти бор деганлари рост экан. Табрик устига табриклар. Кечқурун уйга борсам қариндош-уруғлар дастурхон атрофини тўлдириб ўтиришибди. Узоқ вақт уларнинг оғушида қолдим.

**— Ҳар қандай мукофот муносиб кишиларга, уларнинг самарали ва фидойи меҳнатлари эвазига берилади. Бундай бахтга эришиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.**

— Ҳақ гап. Чорак асрдан бери қурилишларда ишлайман.

Муҳиддин Баратовнинг таржимаи ҳоли ўзи каби оддий. 1951 йилда Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманида ишчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни битириб, Армия сафида хизмат қилган. Аскарлик бурчини ўтаб қайтгач, қурилишга буёқчи бўлиб ишга кирган. Шу билан бирга Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида таҳсил олган. Кейин 28-қурилиш бошқармасида уста, ишбоши вазифаларини бажарган. 1984 йилдан эса у қурилишларга раҳбарлик қилиб келади. Дастлаб 12-трестнинг 52-қурилиш бошқармасида, бироз ўтиб 11-қурилиш бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлади. 1995 йилдан «Тошмахсуспардозқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида бош муҳандис.

**— Сиз бош муҳандислик қилаётган жамият шаҳардаги энг илғор қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади. Бундай муваффақиятга қандай қилиб эришилди?**

— Бугунги шароит узоқни кўзлаб тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо этади. Бунинг учун биринчи навбатда раҳбар янгиликка интилиб, изланувчан бўлиши керак. Раисимиз Мадиёр Ҳошимов ҳиссадорлик жамиятига ўтиб ишлаш таклифини киритганда айримлар иккиланиб қолишди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай улар сотиб олган акцияларига дивиденд ола бошлаганларида шу усул тўғри ва фойдали эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

Номидан ҳам билиниб турибдики, бизнинг «Тошмахсуспардозқурилиш»имиз шаҳримизда бунёд этилаётган биноларни сайқалдан чиқаришга ихтисослашган. Яъни биз тикланган биноларни сувоғидан тортиб, барча дурадгорлик ишларигача ниҳоясига етказиб, уй калитларини эгаларига топшириб чиқиб кетамиз. Энди бир чамалаб кўринг. Бир йилда шаҳримизда қанча уй қуриладию қанча оила тайёр хоналарга кўчиб киради. Аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун бир мисол келтирай. Масалан, ўтган йили трестимиз бўйича 28 минг квадрат метр уй-жой биноларини қўлдан чиқардик. Ёки бўлмаса 351 оилага уй калитларини топширдик. Бундай катта ҳажмдаги юмушни бажариш осон эмас албатта. Бундан ташқари «Миробод» бозори қурилишида қатнашдик, Темурийлар тарихи давлат музейини бунёд этишда иштирок этдик. Ундаги барча мармар ишларини бажариш бизнинг зиммамизга тушди.

Ҳиссадорлик жамиятимизга 8 та қурилиш бошқармаси қарайди. Уларни Низом Жўраев, Носир Мансуров, Садриддин Умаров сингари тажрибали қурувчилар бошқаришади.

**— Сифат — мезон, деган сўз кўпроқ қурилиш ташкилотлари учун айтилгандек туюлади. Негаки, сифатсиз қурилган уй ёки пардози талаблар даражасида бўлмаган хона истиқоматчилар учун кейинчалик қатор ташвишларни келтириб чиқаради.**

— Сифат масаласи ҳамиша диққат-эътиборимизда. Олдинлари биз қурувчилардан фақат режани талаб қилардик. Ҳозир аксинча. Иш сифатига қараб баҳоланади. Янги усулга ўтиб ишлай бошлаганимиздан кейин айниқса бу талаб кучайди. Буни барча қурувчиларимиз яхши тушунишади. Бригадалараро ташкил этилган сифат назоратчилари кундалик бажарилган ишни кузатиб боришади. Олдинлари уйларнинг сифатсизлиги хусусида истиқоматчилардан тез-тез келиб турадиган шикоятлар кескин камайганлиги ҳам сифатга эътибор кучайганлигини кўрсатиб турибди.

**— Қурувчилик шарафли касб дейишади...**

— Чиндан ҳам шарафли ва масъулиятли касб. Ахир оилаларни бошпана билан таъминлашдан ҳам ортиқ бахт борми? Кўпинча кечки пайтлари шаҳар кўчаларини пиёда кезаман. Тошкентимизнинг туни ҳам худди кундузгидек равшан чарақлаб туради. Чароғон кўчалар, бири-биридан гўзал бинолар диққатимни ўзига тортади. Уларга мафтункор термулиб шу қурилишларда менинг ва ҳамкасбларимнинг ҳам улушлари борлигидан фахрланаман. Ана шундай кезларда қурувчиликни танлаб янглишмаганимга ишонаман. Шу касб орқали элга танилдим. Катта оилага бош бўлдим. Содиқ дўст, садоқатли ҳамкасб ва шогирдлар орттирдим. Ахир бир кишига шунча бахт етарли эмасми?

**— Энди келажак режалар ҳақида ҳам икки оғиз гаплашсак.**

— Эски шаҳар қурилишларида фаол иштирок этамиз. Форобий кўчасида қуриладиган уйларда пардоз ишларини олиб борамиз. Бу участкада ишлашга 42 ва 45-қурилиш бошқармалари жалб этилган. Акмал Икромов туманида қурилаётган йирик жарроҳлик мажмуасида, шаҳар ҳокимлигининг янги биносида, Алишер Навоий номли миллий боғ ҳудудида қад кўтараётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги биноси қурилишида қатнашамиз. Қурувчиларимиз шаҳримизнинг турли туманларида бунёд этилаётган биноларда сайқал ишларини олиб боришади. Бир сўз билан айтганда, бу йил 30 минг квадрат метр уй-жой биноларини фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибмиз.

*Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*СУРАТДА: Муҳиддин Баратов.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Луқма*

# ДЎКОН ХУСУСИЙМИ ЁКИ НАРГИЗА?

***Тилнинг шундай нозик жиҳатлари борки, икки сўз ўзаро жой алмашиб қолса ҳам маъно бузилади. Аммо буни ҳамма ҳам билавермас экан.***

Авваллари бирор ташкилот, муассаса ёки дўкон номларини кўча томонга ёзиб қўйишда икки тиллик қоидасига риоя қилинарди. Масалан, «кафе РОҲАТ кафеси». Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, кўча-кўйлардаги ёзувлар фақат ўзбек тилида ёзиладиган бўлгач, бундай номлашларга ҳожат қолдими?

Метронинг «Алишер Навоий» бекатидан чиқаверишда тижорат дўкони бор. Тепасига «хусусий НАРГИЗА дўкони» деб ёзилган. Нима бўпти дерсиз? Тил қонун-қоидаларини яхши тушунган одам «Дўкон хусусийми ёки Наргиза хусусийми» дея хайрон бўлиши мумкин. Чунки аслида бу ёзув «НАРГИЗА» хусусий дўкони» деб ёзилиши керак. Кўкча бозорида ҳам ана шу аҳволни кўриш мумкин. Бозорга кираверишда «деҳқон КЎКЧА бозори» деган битик бор. Бу ҳолатда тил қоидалари бузилгани тугул ёзувда ҳеч қандай маъно йўқлиги киши ҳафсаласини пир қилади. Аслида «КЎКЧА деҳқон бозори» дейилмоқчи бўлган.

Бундай эътиборсизлик билан ёзилган ёзувларни шаҳримизнинг бошқа жойларида ҳам учратиш мумкин. Асосий сўзни ўртага, ёрдамчи сўзларни икки ёнга ўрнатиш кимгадир эҳтимол чиройли кўринар. Лекин бу тил қоидаларига зид, маъно бузилишига олиб келмаслиги зарур. Бундай шароитларда ёрдамчи сўзларни асосий сўз остига ёзиш билан вазиятдан чиқиш мумкин. Ҳа, тил ана шундай нозик жиҳатларга эга.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

*Таълим*

# ГЕРМАНИЯ: ИККИ ЁҚЛАМА ТИЗИМ

***Республикамиз ҳунар-техника таълими тизими раҳбарларидан бир гуруҳи яқинда Германиянинг халқаро ривожланиш фонди томонидан ўтказилган семинар-кенгашда қатнашиб қайтди. Унинг қатнашчилари орасида ҳунар-техника билим юртлари, лицейлар, бизнес мактаблари, йирик корхоналар раҳбарлари, республика таълим марказининг мутахассислари бор эди. Мухбиримиз ушбу делегация раҳбари, шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи, педагогика фанлари доктори Ҳамидулла Йўлдошевдан семинар-кенгаш ҳақидаги таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилди.***

**— Ҳамидулла Қаюмович, маълумки Германия тараққиёт даражасини белгилайдиган шарт-шароитлардан бири юқори даражадаги мутахассислардир. Бу ерда уларни тайёрлаш қандай йўлга қўйилган?**

— Германияда кўпгина мутахассислар ўз касбларини иккиёқлама таълим тизимида эгаллайдилар. Бу мамлакат таълим тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Чунончи, кичик болаларнинг таълим олиши 6-7 ёшдан бошланиб, улар мактабда тўрт йил бошланғич таълим оладилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, Германияда ҳар бир босқич учун алоҳида бошланғич ва асосий мактаблар бор. Бошланғич таълим якунида болаларнинг ота-оналари синф раҳбарлари билан маслаҳатлашиб ўз фарзандларининг келгусида билим олишини белгилайдилар.

Ўқувчи 5-6 йил ўқиб, асосий мактабни ёки гимназияни тугатиши мумкин. Бу 10 йиллик мактаб умумий таълимидан кейин ўқувчиларнинг қарийб тўртдан уч қисми ҳунар ўрганишга киришадилар. Кўпгина болалар икки ёқлама таълим тизимида мутахассис бўлиб етишадилар. Бу йўлни ўсмирларнинг учдан икки қисми танлар экан.

Умумий таълимни давом эттиришни хоҳловчи ўқувчилар 2—3 йил ўқиб, гимназияни битиришлари мумкин. Аммо, гимназияни тугатган ўқувчиларнинг учдан бир қисми ҳам кейинчалик икки ёқлама тизимда ҳунар мактабларига кириб, мутахассис бўлиб етишишни маъқул кўрадилар. Икки ёқлама ҳунар таълими Германияда энг ишончли ва ривожланган соҳадир. Бу мамлакат халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида, хусусий секторда кенг қўлланилади.

Икки ёқлама ҳунар таълими тизимининг асосий моҳияти шундаки, ўқувчилар таълимни икки жойда: корхона ва касб мактабида оладилар. Ўқувчи корхонада 3-4 кун мобайнида амалий таълим, ҳафтанинг 1-2 кунида эса ҳунар мактабида назарий билим олади. Ҳунар мактабидаги таълим ўқув дастури маълум бир қисми бўйича бир неча кун узлуксиз давом этиши мумкин. Бу ҳолда ишлаб чиқариш таълими тўхтатиб қўйилади.

**— Тизимнинг ўқув дастурлари сизда қандай таассурот қолдирди?**

— Ҳунар мактабидаги ўқув дастурларининг учдан икки қисми ўрганилаётган мутахассисликка бевосита тегишли бўлган материаллардан тузилади. Бундан ташқари ҳунар мактабларида умумий таълим фанларини ўқишни давом эттиришади. Кичик ва ўрта корхоналарда ўқувчилар учун махсус ҳунар таълими беришга етарли шарт-шароитлар бўлмагани учун палаталар, тадбиркорлар бирлашмаси ва касаба уюшмалари томонидан тузилган ҳамда қисман давлат ёрдамидаги заводлараро ўқув ишлаб чиқариш билим юртларида ўқувчилар касб ўрганадилар.

Мамлакатнинг федерал ҳунар-техника таълими илмий-тадқиқот институти бундай ишлаб чиқариш-ўқув юртларини тузиш ва уларни ривожлантиришга кўмак беради. Бундан ташқари мамлакатда бошқа турдаги ҳунар мактаблари мавжуд бўлиб, бу ўқув юртларига 7 йиллик маълумот билан кириб, ҳунар ўрганиш билан бирга махсус олий ўқув юртига кириш учун йўлланма берилади. Бошқалари эса бошланғич касб таълими ёки касб малакасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Германияда касб танлаш умумий таълим мактаблариданоқ, аниқроғи бошланғич таълимдаёқ бошланади. Шу мақсадда ҳар бир мактабда руҳшунослар ёки махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар ўқувчиларга маслаҳатлар берадилар. Бундан ташқари ўқув фанларида, айниқса меҳнатшуносликда болаларга иқтисодиёт ва меҳнат фаолиятига оид касбий маълумотлар берилади.

Шунингдек, болалар ишлаб чиқариш корхоналари, турли фирмаларга олиб борилади. Улар бу ерларда меҳнат амалиётларини ўрганиб, шу орқали касб танлаш амалга оширилади.

Бундан ташқари ҳамма федерал ерларда йирик ахборот маркази билан боғланган ихчамроқ ахборот марказчалари бўлиб, улар мамлакатдаги барча касб ва мутахассисликлар рўйхати, касбларнинг малака тавсифномалари ёзилган карталар билан таъминланган.

Ахборот марказида ҳар хил касблар бўйича видеосюжетга эга бўлган компьютерлар воситасида мамлакат корхоналаридаги бўш иш ўринлари, ўқув юртлари, уларга кириш шартларини билиш ва шу вақт ичида улар билан боғланиш имконияти мавжуд.

Ахборот марказида руҳшунослар, физиологлар ва турли-туман касблар бўйича мутахассислар иш изловчи ёки ўқишга кирмоқчи бўлган кишиларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берадилар.

**— Ҳунар мактабларининг ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касб малакасини қандай баҳолайсиз?**

— Авваламбор ҳунар мактабларининг ўқитувчиларига, ўқувчиларга бевосита мутахассислиги бўйича мустаҳкам назарий билимлар бериш, шунингдек умумий таълим фанларидан олган билимларни чуқурлаштириш, иккинчидан, мутахассислик бўйича амалий кўникмалар бериш вазифалари юклатилади. Бу айниқса махсус фан ўқитувчиларининг устувор вазифаси ҳисобланади.

Умумий таълим ва махсус фанлардан назарий билимлар берадиган ўқитувчилар олий ўқув юртларида 4 йил таҳсил олганларидан кейин яна 2 йил мобайнида стажировка тайёргарлигидан ўтгачгина ҳунар мактабида ўқитувчи лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Махсус фанлардан дарс бериш ҳуқуқи эса мутахассислиги бўйича камида 8-10 йил меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчиларга берилади. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг фақат касбий ёрқинлиги уларни таълим бериши учун етарли бўлмай, ишлаб чиқариш устаси ёки инструктор ўзининг юксак маънавий қиёфаси ва бошқа сифатлари билан ҳам шогирдларига намуна бўлиши шарт қилиб қўйилади.

Германияда ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш энг масъулиятли иш бўлиб, улар энг янги педагогик ва ишлаб чиқариш технологияси билан танишиб, ўқиш якунида нуфузли комиссия имтиҳонидан ўтказилади.

**— Ёшларга касб ўргатишнинг бошқа диққатга сазовор усуллари ҳам борми?**

— Ҳа. Жумладан, ўқувчи бутун ўқув даври давомида махсус топшириқни бажаради. Масалан, Мангейи трактор заводида таълим олувчи ёшлар ўқиш якунида ҳаракатланувчи ичдан ёнар двигателнинг моделини ясаб, уни комиссия кўригидан ўтказадилар. Бу топшириқнинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар мазкур ишни бажариш жараёнида касб тафсилотига тегишли бўлган барча меҳнат операцияларини ва амалий кўникмаларни эгаллайдилар.

Германия тараққий қилган саноат мамлакати бўлишига қарамай ҳунар мактабига ўқишга кирмоқчи бўлган 20 фоиз ёшлар бу имкониятга эга эмаслар. Ҳунар мактабига кириб ўқиш учун ўқувчи энг аввал ишлаб чиқариш корхонасига бориб, шартнома тузиши керак. Агар корхонанинг истиқбол режасида бўш иш ўрни бўлмаса, ўқувчи бундай шартнома туза олмайди. Табиийки, бу ҳолда у ҳунар мактабига ўқишга қабул қилинмайди.

Мамлакатда ишсизликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир. Шундай бўлса ҳам меҳнатга қобилиятли аҳолининг 20 фоизи учун иш ўринлари етишмайди. Чунки ишлаб чиқариш корхоналари замонавий дастгоҳлар билан тўла таъминланган бўлиб, ишлаб чиқариш операциялари асосан саноат роботлари зиммасига юкланган. Масалан, мамлакатдаги энг йирик «МАН» автомобилсозлик корхонасида муҳандис-техник ходимларни қўшиб ҳисоблаганда ҳаммаси бўлиб 3000 киши ишлайди. Аммо, автомобиль ясаш учун зарур бўлган қисмларнинг ярмини шартнома асосида кичик корхоналар, ширкатлар етказиб берадилар. Кичик корхоналар корхона учун зарур қисмларни етказиб бериш билан бирга аҳолини ўзлари ишлаб чиқарадиган кенг истеъмол моллари билан таъминлайдилар.

**— Республикамизда Германиянинг бу соҳадаги тажрибасидан фойдаланса бўладими?**

— Германия Федератив Республикаси билан ёшларга ҳунар ўргатиш соҳасидаги ҳамкорлик 1992 йилдан бери давом этмоқда. Семинар машғулотларини тинглар эканмиз, биз Ўзбекистон педагогика фани ва амалиётининг ютуқларидан фахрландик. Чунки, машғулотларда немис шерикларимиз бизнинг таълим назариямизни тез-тез эсга олиб, ўзларининг далил ва исботларини МДҲ мамлакатлари олимларининг назариялари билан мустаҳкамладилар.

Айниқса концепциялар, давлат таълим стандартлари соҳасидаги ишларимиз немис услубиёти ва олимларини ҳайратга солди. Бинобарин, ҳозирча жаҳоннинг ривожланган бирор давлатида бундай ишга қўл урилмаган.

Аммо, адолат нуқтаи назаридан қараганда немис ишлаб чиқариш технологиясини ўрганишимиз лозим. Чунки немис технологияси арзон ва сифатли технологиядир.

Фикримизча, энди амалий ишга ўтмоқ, Германия ҳунар ўргатиш тизимининг ижобий ва мақбул шаклларини ўрганиб, амалиётга татбиқ қилиш вақти келди. Айниқса, икки ёқлама ҳунар таълими тизимини ўзбекча моделини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун йирик саноат корхоналаримизда ҳамма шарт-шароит етарли. Аммо бу фойдали ишни қонун йўли билан тартибга солишдан бошлаш лозим, деган фикрдамиз.

Техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияси ҳақида гап борадиган бўлса, энг аввало бу ишни мактаб ва ҳунар билим юртларидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар XX аср электр ва автомат асри дейилаётган бўлса, XXI аср электроника асри бўлиши муқаррар. Шундай экан электрон асрининг мутахассислари ҳозир мактабда ўқиётган ёшлардир. Демак биз ҳозир болаларни ана шу электроника асрига тайёрлашимиз ҳаёт буюртмасидир.

Сафар давомида немис дарсликларини ўрганишимиз, бизнинг дарсликларимизни айниқса, физика ўқув фанларининг амалий йўналишини янгилаш лозим, деган хулосага олиб келди. Яъни дарсликларимиз ҳаётий, тушунарли, ҳар бир назарий маълумотга амалий илова берилган ҳолда бўлиши керак.

Биз бозор иқтисодиёти талаблари асосида билим юртларида ёшларни тегишли касб-ҳунарга ўргатмоқдамиз. Бу, албатта, ҳаёт талаби. Аммо эртанги кунни ҳам ўйлашимиз, келгуси асрда ишлаб чиқариш қуроллари электронлаши қай даражада такомиллашишини ҳам назарда тутишимиз керак. Ҳозир эса Тошкентдек шаҳри азимда электроника соҳаси бўйича мутахассис тайёрловчи 2-3 ҳунар билим юрти бор, холос.

Фикримизча буларнинг сонини сезиларли даражада ошириш лозим бўлади. Бундай билим юртларига болаларни бошланғич мактаб ёшидан бошлаб тайёрлаш, айниқса ёш техниклар станцияларининг бундай соҳадаги фаолиятини ошириш лозим.

Ҳар бир вилоятда саноат, уй-рўзғор, хоналар интерьерларини безатувчи дизайнерлик соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган камида 2-3 тадан ихтисослаштирилган ҳунар-билим юртлари очиш ҳам бугунги кун талабига айланмоқда.





*«ЎртаОсиётрансқурилиш» трестига қарашли 704-қурилиш-тиклаш поезди навбатдаги трамвай йўлини янгилаш ва таъмирлаш ишларини жадал олиб боришмоқда. Айни вақтда улар 4 километрлик трамвай йўли ҳамда Шимолий вокзал шоҳбекатини бунёд этишмоқда. Январь ойининг бошида бошланган иш Наврўз байрамигача туғалланиб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу трамвай йўллари Кунаев кўчасидан бошланиб, Миробод бозорининг ён томонидан Авлиё ота кўчасигача чўзилади. Туркистон кўчасидаги трамвай йўли эса 2 метрга ён томонга чўзилиб, марказий йўлнинг ўртасидан жой олади. Ва Мовароуннаҳр кўчаси билан туташади.*

*СУРАТЛАРДА: шаҳар электр тармоғи ишчилари устунларга ёритгичларни ва токли симларни ўраш учун асбобларни ўрнатишмоқда; юқоридаги ўнгдаги суратда эса йўлсозлар иш устида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

